Инсонга наф келтириш — олий бахт

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

10 Март, сешанба 1998 йил №28 (530)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

**УШБУ СОНДА:**

*2-бетда*
ЯНГИ САМОЛЁТНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

*3-бетда*
ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛМОҚЧИМИСИЗ, МАРҲАМАТ

*3-бетда*
НУРЖАҲОН БЕГИМ

*Фармон ва шарҳ*

## ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗ ҚАДРСИЗЛАНАДИ, ҚАЧОНКИ...

**«Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон чиқаришга бугунги кунда қандай эҳтиёж туғилди, ушбу қонуний ҳужжат халқ манфаатларини ифода этишда қайси жиҳатлари билан аҳамиятли? Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ислоҳотлар самараси тўғрисида сўзлаб беришни «Тошкент» Республика фонд биржаси бошқаруви раисининг ўринбосари В.Д.Жўраевдан сўрадик.**

-Босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислоҳотларимизнинг бугунги кундаги натижаси бу йўналишда четга чиқиб кетиш ёхуд ортга қайтиб қолиш дегандек нохуш ҳолатлар юз бермаётганидан далолат беради. Шу маънода Фонд бозоридаги тараққиёт ҳам янги босқичга қадам қўяётганини таъкидлаш жоиз. Мамлакатда мулкдорлар синфини яратишда хусусан қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш йўлидан изчил борилаётгани кўриниб турибди. Айниқса, бу бозорга кенг аҳоли қатламини жалб этиш ва бу орқали халқимизнинг иқтисодий турмушини фаровонлаштиришга қаттиқ ҳаракатлар бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг 2-бандига эътибор беринг-а! Авваллари акциядорлик жамиятларининг эркин сотув ва хорижий сармоядорларга мўлжалланган акцияларидан тушган маблағ Давлат мулки қўмитаси ҳисобига ўтиб кетган бўлса, эндиликда ушбу маблағлар акциядорлик жамиятининг ўз «киссаси»га келиб тушади.

Агар умумий акциялар пакетидан эркин сотувга мўлжаллангани 24 фоиз, хорижий инвесторлар улуши 25 фоиз этиб белгиланганлигини назарга олсак, меҳнат жамоаси ўз улушидаги 26 фоизлик акциялардан ташқари яна 49 фоиз қоғозни қўлга киритаётганига амин бўлишимиз мумкин. Бинобарин, мана шу 49 фоизлик акциялар асосан ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш, замонавий технологияларни жалб этиш, маҳсулотлар сифатини ошириш мақсадларида сарфланиши шартдир. Мана шу нуқтадан ҳар бир корхона аъзоларида мулкдорлик туйғулари барқ уриши кутилади. Зеро, йирик маблағга эга бўлган ҳиссадорлар ўз маблағларини яна қандай қилиб кўпайтириш, ундан фойда кўриш йўлларини ахтара бошлашади. Эътиборли жиҳати шундаки, эркин сотув ҳамда хорижий сармоячи учун мўлжалланган ушбу маблағлар солиққа тортилмайди.

**—Валерий Дададжонович, маълумки, бугунги кунда давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамияти мақомини олган корхоналар Ўзбекистонда беш минг атрофидадир. Уларнинг баъзилари хусусий қўлларда гуллаб-яшнаётганини кўриш билан бирга, кўпгина жамиятларда ҳатто дивидентлар берилмаганлигини ҳам тан олиш лозим. Ушбу Фармон корхона-ташкилотларга иқтисодий салоҳиятини ошириш учун қандай замин яратади, деб ўйлайсиз?**

-Акцияни ҳар қандай товар-маҳсулотларга, дейлик, ёғлиқ пишлоққа ҳам ўхшатиш мумкин. Ёғлиқ пишлоқ бозорда ўз харидорларини топиши, ишлаб чиқарувчига фойда келтириши керак. Худди шунингдек акция ҳам. Лекин бозорда сотилмай ётган пишлоқдек акция ҳам ўз харидорини тополмай, қадрсизланиб ётса-у ўз ишлаб чиқарувчисини банкротликка олиб келади.(Унинг масаласини ҳал этиш учун Ўзбекистонда махсус қўмита ҳам ташкил этилганлигини биласиз). Бундан ташқари завод-фабриканинг яхши-ёмони бўлмайди. Ҳамма гап уларни бошқараётган менежерлардан қолган. Демак, ҳар қандай акция реализация қилиниши шарт, деган ақидадан келиб чиқадиган бўлсак, корхоналар, яъни ҳиссадорлик жамиятлари талаб даражасида ишлаши, фақат ва фақат бозор талаб товар маҳсулотлар, хизматлар яратиши зарур. Давлат мулки қўмитаси эса бу жараённи қаттиқ назоратга олади, корхоналарнинг технологик базаси, замонавий ускуналар билан жиҳозланишини назорат этади.

**-Фармоннинг тўртинчи бандида Хусусийлаштириш Инвестиция Фондлари (ХИФ)лар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида гап боради. Оммавий хусусийлаштириш механизмларидан ҳисобланган ушбу тизимда қандай янгиланишлар бўлиши кутилмоқда?**

-ХИФлар кенг оммани хусусийлаштириш жараёнига жалб этувчи тизим ҳисобланганлиги туфайли у айрим чекланган кишилар доирасидагина марказлашмаслиги даркор. Бундан ташқари ХИФлар, ўз фаолияти, ҳиссадорларининг талабларидан келиб чиқадиган фикрларига нисбатан ошкора муносабатни ўрнатиши зарур. Очиқ лўнда ахборотлар Оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка тақдим этилиши лозим бўлади. Шубҳасиз, фонд бозоридаги мавжуд шарт-шароит, «об-ҳаво»дан жамоатчиликни бохабар этиб туришда сиз-журналистларнинг ҳам ёрдамингизга мухтожмиз.

**Нодир АЛИМОВ суҳбатлашди.**

*Иқтисодиёт хабарлари*

### НАМАНГАН ҚОҒОЗИ

Намангандаги «Намбум» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида ёзув қоғозининг намуна туркуми ишлаб чиқарилди. Қўшма корхонани Ўзбекистон томонидан «Намангануйқурилиш» ва Садоқат» акциядорлиги жамиятлари, шунингдек, Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги, Германия томонидан эса, «Экотекс» фирмаси таъсис этган. Бир ярим йил вақт ичида замонавий асбоб- ускуналар билан жиҳозланган қоғоз ишлаб чиқарувчи янги корхона бунёд қилинди. Халқаро андозаларга жавоб берадиган ёзув қоғозини тайёрлаш учун дастлаб анъанавий материаллар - целлюлоза ва чиқинди ишлатилади. Яқин орада эса, чигит тукидан маҳсулот ишлаб чиқарила бошланади. Корхона қуввати йилига 5 минг тонна қоғоз ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Маҳсулотнинг бир қисми хорижга юборилади. Корхонада юз эллик киши меҳнат қилади. Ҳозир Швециядан келтирилган жиҳозларни синаш ишлари тугалланмоқда. Қўшма корхона директори Жўра Ҳошимовнинг гапига қараганда, қўшма корхона яқин кунларда маҳсулотни тўла ҳажмда ишлаб чиқаришга киришади.

**Н.Хўжаева, ЎзА мухбири.**

### МАЛАКА ОШИРИШГА ХОРИЖГА

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мутахассисларидан бир гуруҳи малака ошириш мақсадида Франция пойтахти - Париж сари йўл олишди.

Технологлар, механиклар, техника хавфсизлиги муҳандислари ва назорат-ўлчов асбоблари мўтахассислари шу йилнинг 10 май кунигача ўз билим, малака ва маҳоратларини оширадиган бўлдилар.

Назарий ва амалий машғулотлар аудитория ва заводларнинг цехларида олиб борилади. Бухоролик мутахассислар жаҳон андозаларига мос келадиган нефть маҳсулотлари олиш ва уни қайта ишлашнинг янги технологиясини ўзлаштирадилар.

**А.ИСТАМОВ.**

## ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

**Америка Қўшма Штатлари, Германия ҳамда Босния ҳукуматлари халқаро ташкилотларни Сербиянинг Косово вилоятидаги тартибсизларни бартараф этишда қатнашишга чақирди. Маълумки, Косовода албан исёнчилари ва серб полицияси ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб ўтмоқда. Сербия президенти Слобадан Милошевич бу можарони тинч йўл билан ҳал этишдан бош тортмоқда.**

* * *

Колумбияда парламент сайловларининг биринчи босқичи бўлиб ўтди. Унда 20 миллион колумбиялик иштирок этиши керак эди. Бироқ сайловлар олдидан мамлакатда бошланиб кетган террорчилик ва зўравонлик аҳолининг катта қисмини уйдан чиқмай ўтиришга мажбур қилиб қўйди.

* * *

**Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху Лондонга расмий ташриф буюрди. У Буюк Британия Бош вазири Тони Блэйр билан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммолари юзасидан фикр алмашди.**

* * *

Финляндияда катта темир йўл ҳалокати бўлиб ўтди. Ювескюле шаҳри вокзали яқинида издан чиқиб кетган поезд ҳалокати оқибатида 10 киши нобуд бўлган.

* * *

**Бразилия шимолидаги ўрмонзорлардаги ёнғин тобора хавфли тус олмоқда. Рораима штатини қуршаб олган олов етти минг ярим квадрат километр масофадаги ўрмонни нобуд қилган.**

* * *

Германиянинг шарқий қисмидаги ишсизлик жадал ўсиб бормоқда. Европа Иттифоқига кирган давлатлар орасида ишсизлар сонига кўра Испания биринчи ўринда турар эди. Бу йилдан эса биринчи ўринга Германия чиқиб олди.

**Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.**

## САМАРАЛИ ЯКУН

Ишнинг кўзини билиш эвазига кўплаб қолоқ корхоналар ўзини ўнглаб олмоқда, ҳатто илғорлар сафига қўшилмоқда. Ана шундай корхоналардан бири Термиз таъмирлаш-механика заводи.

Унинг ўтган йилги соф фойдаси 48 миллион 89 минг сўмни ташкил этди. Бунга завод мулк шаклининг ўзгариши эвазига эришилди.

Собиқ шўролар даврида завод фақат «Алтай-Т-4» тракторини таъмирлаш билангина шуғулланар эди.

Завод 1995 йилдан бошлаб ўз фаолиятини ҳиссадорлик асосида қурди ва очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мақомига эга бўлди. Корхона ҳисобида 10 фоиз акциялар олиб қолиниб, 90 фоиз акция корхона ишчи-хизматчиларига сотилди.

Хуллас, ишнинг самараси йил якуни сарҳисобида аён бўлди-қолди.



**Суратда: корхонада иш пайти.**
**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Республика биржаларида

«Ўзбекистон» номли республика кўп тармоқли деҳқончилик саноати биржасида бўлиб ўтган ким ошди савдосига 2,2 миллиард сўм ва 4,8 миллион доллар ҳажмида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва жиҳозлари, кичик технологиялар, ҳар хил турдаги темир арматуралари, газ ва сув трубалари ва бошқа техника заҳиралари қўйилди. «Маҳсулот» турлари 800 хилдан ошиб кетди. Савдо жараёнида 75 миллион сўмлик 10 та битим тузилди. Шундан 9 та битим хорижлик ҳамкорлар билан имзоланди. Қониқиш билан шуни қўшимча қилиш керакки, биржа фаолиятига талаб ва эҳтиёж кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда шу биржанинг Фарғона бўлими очилди.

***

Республика кўчмас мулк биржасида 15 та ким ошди ва 8 марта биржа савдолари бўлиб ўтди. Шу жараёнда 30347,1 минг сўмлик кўчмас мулк иншоотлари янги мулкдорлар қўлига ўтди. 8254,0 минг сўмлик 43 та иншоот сотган Самарқанд вилоят бўлими яхши натижаларга эришди. Тошкент шаҳар бўлимида ҳам битта бино 3580 минг сўмга сотилди. Республика кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят бўлимларида иншоотларнинг бошланғич нархига нисбатан сотилиш нархи 1,27 мартага ошди.

***

«Тошкент» номли республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 17 та ҳиссадор жамиятлар юқори самарадорликка эришдилар. Улар ўзларининг 168,4 миллион сўмлик - 189,5 мингта акцияларини сотилишига эришдилар. Шу жараёнда энг катта савдо самарадорлигига Тошкент вилояти «Узметкомбинат» ҳиссадор жамияти эришди. Улар ҳам акцияларини сотиб 117,5 миллион сўмлик маблағга эга бўлдилар. Брокерлик идораларидан 27 таси яхши фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан эса шу биржада 487,1 мингта оддий акциялар сотилди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 10 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 55,54 |
| 1 Австрия шиллинги | 6,48 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 136,53 |
| 10 Бельгия франки | 22,11 |
| 1 Голландия гульдени | 40,40 |
| 10 Греция драхмаси | 2,88 |
| 1 Дания кронаси | 11,95 |
| 1 БАА дирхами | 22,70 |
| 1 АҚШ доллари | 83,39 |
| 1 Миср фунти | 24,45 |
| 1 Ирландия фунти | 112,99 |
| 1 Исландия кронаси | 1,14 |
| 10 Испания песети | 5,37 |
| 100 Италия лираси | 4,63 |
| 1 Канада доллари | 58,80 |
| 1 Хитой юани | 10,07 |
| 1 Қувайт динори | 272,87 |
| 100 Ливан фунти | 5,46 |
| 1 Малайзия ринггити | 20,67 |
| 1 Германия маркаси | 45,53 |
| 1 Норвегия кронаси | 10,96 |
| 1 Польша злотийси | 23,84 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,46 |
| 1 Сингапур доллари | 50,48 |
| 1000 Туркия лираси | 0,36 |
| 1 Финляндия маркаси | 15,02 |
| 1 Франция франки | 13,58 |
| 1 Швеция кронаси | 10,39 |
| 1 Швейцария франки | 56,00 |
| 1 ЭКЮ | 90,03 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,51 |
| 10 Япония иенаси | 6,51 |
| 1 Россия рубли | 13,72 |
| 1 Украина гривнаси | 41,12 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,52 |
| 1 Латвия лати | 141,10 |
| 1 Литва лити | 20,85 |
| 1 Молдова лейи | 17,69 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,73 |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

## АЛОҚАЛАР ЭЛЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси икки давлат маданий алоқаларини ривожлантириш борасида кўп ишларни амалга оширмоқда. Шахсан элчи Жан-Клод Ришар жаноблари ташаббуси билан Франция элчихонасида ўзбек ва француз маънавий мероси намуналари, замонавий рассомлар асарларининг кўргазмалари ташкил этилади. Яқинда Тошкентдаги Франция элчихонасида хивалик таниқли рассом Рустам Худойберганов мўйқаламига мансуб асарлар кўргазмаси очилди.

Мазкур кўргазманинг очилиш маросимида хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчилари, республикамиз жамоатчилиги вакиллари ва журналистлар иштирок этдилар. Анжуманда сўзга чиққан Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Жан-Клод Ришар меҳмонларга Рустам Худойберганов ижоди ҳақида қисқача сўзлаб берди. У мусаввир яратган қадимий Хива мавзуидаги асарларини юқори баҳолади. Шунингдек, ушбу кўргазма каби ҳамкорликдаги маданий тадбирлар ўзбек ва француз элларини бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, Францияда Ўзбекистон санъати, кўҳна туркий маданий ёдгорликларга бўлган қизиқиш ғоят катта. Яқинда Франциянинг Канн шаҳрида юртимизнинг Нукус шаҳри музейи дурдоналари кўргазмаси бўлиб ўтганини эслаб ўтиш жоиз. Франциянинг Тошкентдаги элчихонаси ўша кўргазмани ташкиллаштиришга катта меҳнат сарфлаган. Умуман, санъат шайдоси бўлган жаноби Ришар ва унинг муҳтарама рафиқаси Ўзбекистон ва Франция истеъдодларининг кўргазмаларига ҳомийлик қилиб, эзгу фаолият кўрсатмоқдалар.

Рустам Худойберганов кўргазмасининг ташкил этилиши ана шундай эзгу ишлардан бири бўлди. Француз элчихонасида мусаввир яратган қадимий Хива обидалари, ўтмиш кишиларининг портретлари қўйилган. Кўргазмага келганларни Рустам Худойберганов мўйқаламига мансуб Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз портрети, Ичон қалъа тасвири каби суратлар айниқса, қизиқтириб қолди. Бу асарларга хорижий санъат мухлисларининг харидор бўлганлиги ва шу ернинг ўзидаёқ мусаввир билан келишиб олаётганликларини кўриб, юртимиз ижодкорлари истеъдоди халқаро эътирофга сазовор бўлаётганидан ифтихор ҳиссини туйдик.

Мусаввир Рустам Худойберганов билан суҳбатлашиб, кўргазма мавзуси нима учун айнан Хива шаҳри этиб танлангани сабабини сўрадик.

— Бундан кўзланган мақсад шуки, Хивани халққа, ва албатта, чет элларга янада кенгроқ танитиш, — дейди мусаввир. — Бу ерга Хива мавзусида уч йилдан бери яратиб келаётган асарларимнинг фақат бир қисми қўйилган. Ҳурматли элчи Жан-Клод Ришар томонларидан яхши таклиф тушдики, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари оламга танилган. Хива тарихида эса ҳамон дунё жамоатчилигининг каттагина қисмига нотаниш бўлган жиҳатлар кўп. Шунинг учун яратган асарларингиз орасидан фақат Хива тарихига бағишланганларини танлаб олиб, кўргазмага қўйсак, дедилар. Мен бунга рози бўлдим. Жуда қисқа муддат ичида элчихона ходимлари томонидан мана шундай ажойиб кўргазма ташкил этилди. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим, хорижлик давлатлар бизнинг санъатимизга шунчалар катта қизиқиш билан қарашларидан жуда қувондим. Мен Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги яқинлик шундай самимий бўлиб қолишини тилайман.

Санъат элларни бирлаштиради. Франциянинг Тошкентдаги элчихонасида бўлиб ўтган бу галги кўргазма ана шу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатни яна бир бор тасдиқ этди.

**Хайрулло НУРИДДИНОВ.**

*«Ишонч» мақолалари изидан*

## «Ерни алдаб бўлмайди»

Ҳурматли «Ишонч» газетаси муҳарририяти!

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси Сизга газетанинг шу йил 24 январдаги «Ерни алдаб бўлмайди» мақоласи бўйича шуни маълум қилади:

Вилоят бўйича кузги-қишки даврда 1998 йилнинг ҳосили учун 159,1 гектар ерларни ҳайдаш режалаштирилиб, асосий майдонлар ҳайдалиб бўлинди, мавсумда 271,2 минг гектар майдонда бошоқли донлар, қўшимча экинларни суғориш, шўр ювиш ишлари мўлжалланилиб, амалда 268 минг гектар майдонлар суғорилди. Шўр ювиш ишлари Боёвут, Гулистон, Сайхунобод ва Ш.Рашидов туманларида тугалланиш арафасида турибди.

Бошқармамизнинг барча етакчи мутахассислари, туманлар бирлашмалари бошлиқлари, ўринбосарлари, вилоят бўйича мелиорация бўйича шуғулланадиган ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида ўтказилган. Йиғилишда, масала ўрганилиб чиқилди ва шўр ювишни асосан 20 февралгача тугатиш юклатилди. Қолган майдонларда енгил сув бериш мўлжалланди.

Шўр ювиш ишларида сусткашликка йўл қўйгани ва ювиш технологиясини бузганликлари учун Меҳнатобод, Ш.Рашидов, Оқ олтин ва Ховос туманлари бирлашмаларининг раҳбарлари огоҳлантирилди.

Вилоятдаги 833 дона мелиоратив тик қудуқларда вилоят гидрогеолог-мелиоратив экспедициясининг таклифи бўйича ишни ташкил этмаганлиги ва Ш.Рашидов туманининг Узоқов хўжалигида талон- тарожликка йўл қўйилганлиги учун вилоят насос станциялар бошқармаси бошлиғи Т.Шарипов ва мазкур хўжалик раҳбарлари огоҳлантирилди.

Вилоятда қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда вақтинчалик ўрнатилаётган насос станцияларидан ишлатилаётган сувнинг шўрхоклик даражасини ўрганиш гидрогеолог-мелиоратив экспедициясига юклатилиб уларнинг таклифи билан аралаштириб ишлатишга таклиф бериш масаласи топширилди.

Мақолада чоп этилган мелиорация ва агротехника бўйича хато ва камчиликларни бартараф этиш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Бошқармамиз маъмурияти ва мутахассисларимиз номидан «Ишонч» газетангиз муҳарририятига юқоридаги очиқ-ойдин ёзилган мақола учун миннатдорчилигимизни билдирамиз.

**Ж.ШАРИПОВ,**
**Сирдарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи.**

## «Тепса тебранмаслар»

Жиззах «Эскишаҳар» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти бошқаруви «Ишонч» газетасининг 1998 йил 17 феврал сонида чиқарилган «Тепса тебранмаслар» мақоласини ҳиссадорлик жамияти бошқаруви 2 март 1998 йилги ўзининг йиғилишида ҳамма жамият аъзолари иштирокида муҳокама қилинди.

Ҳиссадорлик жамиятида белгиланган тадбирга асосан газетада чоп этилган камчиликларни тугатиш учун шаҳар солиқ инспекцияси ҳамда шаҳар СЭС бош врачидан бозордаги маҳсулот сотувчиларга нисбатан маъмурий чоралар кўриши учун амалий ёрдам беришлари ва ҳиссадорлик жамияти бошқаруви билан биргаликда фаолият кўрсатиб бозордаги мавжуд камчиликларни тугатиш чоралари келишиб олинди.

**Р.ФАРМОНОВ,**
**Жиззах «Эскишаҳар» деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти бошқарув раиси.**

